

## ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДАГИ КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АВЗАЛЛИКЛАРИ

Жабборова Дилафруз Содиқ кизи

**Аннотация:** Ушбу мақолада қайта ишлаш саноати корхоналаридаги кластерлар фаолиятини ривожлантиришда рақамли технологияларнинг авзалликлари, хорижий давлатларнинг тажрибалари, рақамли технологияларни татбиқ этиш бўйича инновацион ёндошувлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг самарали жиҳатларига қаратилган масалалар баён этилган.

**Калим сўзлар:** қайта ишлаш, хорижий тажриба, рақамли технология, инновацион ёндошув, иқтисодий самардорлик, қишлоқ хўжалиги, кластер, КРІ.

Маълумки, ривожланган давлатларда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати соҳаларида, замонавий қайта ишлаш саноати корхоналарида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш амалиёти кундан-кунга жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Кластерлар фаолиятини янги инновацион рақамли технологиялар асосида бошқарилиши натижасида экологик тоза маҳсулотлар етиштириш, уларни сақлаш, қадоқлаш ҳамда қайта ишлаш жараёнлари такомиллашиб бормоқда. Рақамли технологияларнинг авзалликлари қайта ишлаш саноати корхоналаридаги иқтисодий самардорликни ортиб боришига хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам дунё аҳолиси томонидан истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ичида қайта ишлаш саноати корхоналари томонидан етиштирилган маҳсулотларига бўлган талабни кун сайин ортиб бораётганлиги, қайта ишлаш саноати корхоналарида кластерлар фаолиятини ривожлантиришда инновацион рақамли технологияларни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

Ривожланган давлатлардаги қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизимидан самарали фойдаланиш ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича бугунги кунда турли хил инновацион тажрибалари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси географик жойлашиши, аҳоли истеъмоли, етиштириш технологияси, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳамда кластер тизимини ривожлантиришга қаратилган тажрибаларни амалиётга самарали қўлланилиши билан ўзаро фарқланади.

Бугунги кунда қайта ишлаш саноати корхоналарида кластер тизими ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланишда қуйидаги давлатларнинг тажрибалари муҳим саналади. Жумладан, Хиндистон, Европа иттифоқи, АҚШ, Покистон, Бразилия, Германия, Хитой, Россия, Франция сингари ривожланган давлатлар тажрибасига кўра қайта ишлаш саноати

корхоналарида кластерлар фаолиятини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш амалиёти татбиқ этилганлиги учун ҳам дунёдаги энг етакчи давлатлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам қайта ишлаш саноати корхоналари томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар бугунги кунда халқ истеъмолининг энг асосий маҳсулотларидан бири саналади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиздаги қайта ишлаш саноати корхоналарини ривожлантиришда ушбу ривожланган давлатларда самарли қўлланиб келинаётган инновацион кластерлар фаолиятини ҳамда рақамли технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш энг муҳим инновацион янгиликлар ҳисобланади.

Бу борада Муҳтарам, Президентимиз томонидан ҳам кўплаб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда қайта ишлаш саноати корхоналарининг фаолияти бевосита қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасини 2020-2030 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилганлиги нафақат қишлоқ хўжалигини балки, қайта ишлаш саноати соҳаларини ҳам такомиллаштиришга қаратилган янги имкониятлар эканлигидан далолат беради.

Қабул қилинган Фармонга кўра, қуйидаги йўналишлар стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

- қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

- замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг



шаффоф тизимини яратиш<sup>1</sup> каби бир қатор муҳим бўлган устувор йўналишларни белгиланиши қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати соҳаларида янги ўзгаришларни амалга оширилишига хизмат қилади.

Бундан кўринадики, мамлакатимиздаги қайта ишлаш саноати корхонларига ривожланган давлатларда самарли қўлланиб келинаётган рақамли технологиялар ва замонавий кластерлар фаолиятининг имкониятларини кенг татбиқ этиш орқали, маҳсулотларини етиштириш, қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, корхонларни иқтисодий самарадорлигини ошириш, корхоналардаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш имкониятларини кенгайтириш ҳамда иқтисодий барқарорлигини оширишга қаратилган янги имкониятларини юзага келишини таъминлайди.

Кластерларни ташкил этиш, қайта ишлаш саноати корхоналарини иқтисодий самарадорлигини ошириш, кластерларни ривожлантириш ҳамда рақамли технологияларни имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида кўплаб хорижлик олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, хорижий тадқиқотчилардан бири Е.Иванова ёндошувига кўра, қайта ишлаш саноати корхоналарида рақамли технологиялар ва кластерлар сиёсатидан самарали фойдаланиш, кластер сиёсатини юритишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кластер фаолиятини ривожлантириш институтлари функцияларини бажарувчи ташкилий тузилмалар ўртасида шаффофликни таъминлаш, рақамли технологияларни такомиллаштириш<sup>2</sup> масалалари амалиётга татбиқ этилган.

Ўзбекистонда ҳам кластер тизимини ривожлантириш бўйича кўплаб иқтисодчи олимларимиз томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Жумладан, И.С.Очилов ва Б.К.Абдумуминовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, инновацион кластерни шакллантириш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Кластер ичидаги ўзаро алоқалар рақобатда янги имкониятлар пайдо бўлишига олиб келади; инсон капитали, илмий ғоялари ривожланиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилишига янги имкониятлар яратиб бериши орқали кластер тизимини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли [Фармони](#).

<sup>2</sup> Иванова Екатерина Викторовна “Формирование и развитие агропродовольственных кластеров в условиях политики импортозамещения” Диссертация, Мичуринск-2018 йил.

ривожлантириш<sup>3</sup> корхоналардаги иқтисодий самарадорликни оширишни кўрсатиб берган.

Қайта ишлаш саноати корхоналаридаги кластерлар фаолиятини ривожлантиришда рақамли технологияларнинг авзалликларини ўрни жуда ҳам юқори бўлиб, биргина Россия давлатидаги тажрибаларга қарайдиган бўлсак рақамли технологияларни татбиқ этиш орқали юқори суръатлардаги иқтисодий самарадорликка эришганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Россия давлатида қайта ишлаш саноати корхонларини рақамли технологиялар ва кластер тизими асосида ривожлантириш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- қайта ишлаш саноати корхонларида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенглиги;

- қайта ишлаш саноати корхоналарида замонавий кластер тизимини жорий этилганлиги;

- корхонлар ўртасида рақамли кластерлар муносабатларини юқори даражада такомиллаштирилганлиги;

- рақамли технологиялар асосида логистика ва транспорт хизматларини ривожланганлиги;

- корхонлар таркибида қайта ишлаш цехларини доимий фаолият кўрсатиши;

- корхонлар фаолиятини КРІ тизими асосида баҳоланиши;

- иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган инновацион дастурларни фаолият кўрсатиши;

- инновацион бошқарув тизимлари жорий этилганлиги ўрганилиши лозим бўлган самарали тажрибалар ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, қайта ишлаш саноати корхоналарини рақамли технологиялар ва кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини оширишда қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак деб ҳисоблаймиз, жумладан:

- қайта ишлаш саноати корхоналарини рақамли технологиялар ва кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини оширишда янги тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш;

- кўрсатиб ўтилган хорижий давлатлар тажрибасидаги инновацион янгиликларни кенг жорий қилиш орқали иқтисодий самарадорликни барқарор ўсишини таъминлаш;

<sup>3</sup> И.С.Очилов, Б.К.Абдумунинов. Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 1-бет.



- iqtisodiy samaradorlikni oshirishga qaratilgan raqamli технологияларни rivojlanitirish orqali yangi boshqaruv strategiyalarни амалиётга татбиқ этиш;

- мамлакатимиздаги қайта ишлаш саноати корхоналарини rivojlanitirish uchun milliy кластер уюшмасини ташкил этиш бўйича асосланган таклифларни қонун ҳужжатларига киритиш;

- iqtisodiy samaradorlikni oshirishda корхоналардаги харажатларни минималлаштириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда КРІ баҳолаш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Юқорида келтирилган тавсияларни амалиётга жорий этилиши натижасида, қайта ишлаш саноати корхоналарида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва кластер тизимини rivojlanitirish orqali iqtisodiy samaradorligini oshirishning yangi imkoniyatlari юзага келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини rivojlanitirishning 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.

2. Иванова Екатерина Викторовна “Формирование и развитие агропродовольственных кластеров в условиях политики импортозамещения” Диссертация, Мичуринск-2018 йил.

3. И.С.Очилов, Б.К.Абдумунинов. Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 1-бет.

4. Машарипов, В. У., Мирвалиева, Н. Р., & Абдуллаев, У. М. (2023). Местный иммунитет и специфическая сенсibilизация к антигенам бактерий у больных тонзиллитом. Science and Education, 4(2), 392-400.

5. Abdurakhimova, P. D. THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF BANKING INNOVATIONS'IMPACT ON ECONOMIC DEVELOPMENT OF COUNTRIES.